# КАСБИЙ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ЎЗАРО ИНТЕГРАЦИЯСИ

***Рамонова Васила Қаюмжоновна***
***Наманган давлат техника университети, катта ўқитувчиси***

Янги Ўзбекистон ҳозирги даврдаги ривожланиши, янгиланиши, келажакда қандай бўлиши, ёш авлоднинг ҳар томонлама етуклиги, яъни уларнинг қай даражада мукаммал шахс сифатида таркиб топишларига, ўзларида креатив қобилиятларини мужассамлаштирган, касбий компетентликка эга шахс бўлиб етишишларига боғлиқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар чет эл инвестициялари билан бирга энг замонавий технологияларнинг кириб келиши, фан-техника соҳаси ва йўналишларининг кенгайиши, мураккаблашиши, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши билан боғлиқ техник таълим йўналишларига оид касбий ва олий таълим тизими бўйича бўлажак мутахассис кадрлар тайёрлашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Бўлажак мутахассислар ўз лаёқати ва мотивларига қараб тахсил оладилар ва шу йўналишнинг етук мутахассиси бўлиб фаолият юрита бошлайдилар. Республикамизда амалга оширилаётган ишларга машинасозлик соҳасидаги янги техника ва технологияларнинг кириб келиш ва уларни ҳаётдаги тадбиғи мисол бўлади. Жумладан, мамлакат худудидаги мавжуд технологик машиналари иш унумдорлиги юқори бўлган Германия ва Швеция, Япония ва Хитой давлатлари машинасозлик саноатидаги энг замонавий технологик машиналари билан алмаштирилмоқда. Шу сабабли техник таълим йўналишдаги касбий ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган бўлажак мутахассислар олдида хорижий техникалар билан ишлаш учун касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш муаммоси вужудга келади. Ушбу муаммони ижобий ҳал этиш учун назарий таълим билан бирга амалий таълим кўникмаларини ҳам ривожлантириш лозим бўлади. Амалий таълимнинг вазифаси, мазмуни, методлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, битта мақсадга, яъни юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Назарий ва ишлаб чиқариш таълими касбий ва олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнининг мустақил ва ўзаро бир-бири билан чамбарчас узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилиши таъминланиши лозим, бироқ бу вазифа ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу жараённи юқори савияда ўтказиш учун иш берувчи корхона ва таълим муассасалари ўртасида мунтазам ҳамкорлик ўрнатилиши керак. Барча амалиётларнинг корхона ва таълим муассасалари билан бевосита боғлиқ ҳолда ташкил этиш бўлажак мутахассисларда барча педагогик жараёнлар ва меҳнат жараёнлари ҳамда меҳнатни ташкил этишни ишлаб чиқариш жараёнида ўрганиш имконини яратади. Айнан мана шу борадаги таълим ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кадрлар тайёрлаш борасидаги мунтазам ҳамкорлик, соҳалардаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёж: касбий ва

олий таълим муассасаларида ана шу эҳтиёжга мувофиқ мутахассислар тайёрланиши ўша худудларда барча соҳаларнинг истиқболли ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли қуйидаги касбий ва олий таълим узвийлигини таъминлаш моделини ишлаб чиқдик. У асосан узвийликнинг функционал, таркибий, натижавий вазифаларини ўз ичига қамраб олади. Моделнинг ***функционал вазифа*** таркибига таълимий, тарбиявий, ривожлантириш, ижтимоий рағбатлантириш ҳамда уйғунлаштириш вазифалари киради. ***Таълимий вазифа*** касбий ва олий таълимнинг ҳар бир босқичида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлик(касбий билим, кўникма ва малака)ни узвий эгаллашларини таъминлашдан иборат. ***Тарбиявий вазифаси*** бўлажак мутахассисларга жамият, инсон ва табиат орасидаги ўзаро алоқаларни тушунтириш, уларда моддий ва маънавий бойликларни асраш кўникмаларини, шунингдек, аҳлоқий меъёрлар ҳамда мулоқот маданиятини узвий ва узлуксиз шакллантиришдан иборат. ***Ривожлантириш вазифаси*** бўлажак мутахассисларда касбга оид назарий билимларни эгаллаш, мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш, ўз фикр ва мулоҳазасини билдириш ҳамда ***hard skills*** (касбий, техник кўникмалари)ни изчил ривожлантиришдан иборат. ***Ижтимоий вазифаси*** бўлажак мутахассисларда биргаликда фаолият кўрсатиш тажрибасини, ***soft skills*** (коммуникатив кўникма ва муомала маданияти)ни шакллантиришдан иборат. ***Рағбатлантириш вазифаси*** бўлажак мутахассисларнинг мотив ва турли эҳтиёжларини қондириш орқали меҳнат қилиш ёки таълим олиш фаолиятларига рағбатлантириш орқали таъсир кўрсатишдан иборат. ***Уйғунлаштириш вазифаси*** узвийлашган касбий ва олий таълим тизимининг ўзаро алоқадор бўлган мотивлашган, мазмуний, методик ҳамда ташкилий компонентларининг яқинлашуви, уйғунлашувини амалга ошириш натижасида шахсни шакллантириш жараёнининг изчиллиги, тизимлилиги ва яхлитлилигини таъминлашдан иборат. Касбий ва олий таълим мақсади бўлажак мутахассисларда ***soft skills ва hard skillsни*** **(**яъни бўлажак мутахассисларда нафақат бирор ишни бажариш, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш, балки турли ҳаётий ва касбий масалаларни мустақил ечиш ва қарор қабул қилиш, долзарб касбий муаммолар ҳақида мулоҳаза юритиш кўникмалари)ни шакллантиришдан иборат. Мазкур компонентлар моделнинг иккинчи қисми – ***таркибий қисмини*** ташкил қилади. ***Мотивлашган компонентлар:*** билиш мотивлари, ижодий мотивлар ва аҳлоқий мотивлар. Касбий ва олий таълим техник таълим йўналишларида бўлажак мутахассисларнинг касбий билим, кўникмаларни эгаллашга бўлган қизиқишини узвий ривожлантириб бориш муҳим омил ҳисобланади. ***Билиш мотивлари*** бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларни эгаллашга бўлган қизиқишини, ҳаётимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни билишга бўлган эҳтиёжнинг ривожланишида ифодаланади. ***Ижодий мотивлар*** бўлажак мутахассисларда креатив ғоялари асосида мураккаб муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини топиш, долзарб касбий муаммолар ҳақида

мулоҳаза юритиш, ўз нуқтаи назарини билдириш, янги фаолият турларини эгаллашга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжнинг ошишида *hard skills*ни шаклланиш даражасида ўз аксини топади. ***Аҳлоқий мотивлар*** бўлажак мутахассисларда меҳнатсеварлик, интизомлилик, масъулиятлилик, юксак аҳлоқий ва касбий маданиятга интилувчанлик каби касбий сифатларни эгаллашга бўлган интилиш, *soft skills*нинг ривожланишида ифодаланади.

Узвийлик тизимида ***мазмуний компонент*** касбий таълими билан олий таълим мақсади ва таълим мазмуни ўртасидаги мутаносибликни таъминлашда ифодаланади. Касбий ва олий таълим тизимида мазмуний узвийликни амалга оширишда касбий таълим муассасалари бўлажак мутахассисларининг касбий тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Тадқиқотлар натижаси касбий таълими бўлажак мутахассисларининг касбий тайёргарлиги касбий компетентликни олий таълим тизимида узвий ривожлантириш учун етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби, бўлажак мутахассисларда бошланғич касбий билим (тушунчалар, тасаввурлар), кўникма ва малакалар касбий таълим тизимида етарли шакллантирилмай, уларга олий таълим тизимида таълим бериш давом эттирилмоқда.

Касбий ва олий таълимга мўлжалланган фан дастурлари ва фан адабиётларида такрорланишлар мавжуд бўлиб, бу бўлажак мутахассисларнинг фанга бўлган, балки касбга бўлган қизиқишларини сусайтиради. Шунинг учун:

- касбий ва олий таълим тизимида бўлажак мутахассислар эгаллаши зарур бўлган таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш, уларни узвий ва изчил тарзда ривожлантириш;
- касбий таълим тизимида бўлажак мутахассисларга тақдим этиладиган касбий билим, кўникма ва малакалар олий таълимда тизимлаштириш, умумлаштириш ҳамда чуқурлаштиришни таъминлаш;
- фан дастур таркибида муайян мавзуларнинг ўринсиз такрорланмаслиги, таълим тури малака талабларига мувофиқ бўлиши, назарий ва амалий қисмларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш;
- мавзулар ўзаро боғлиқликда, яъни янги мавзуни ўрганиш нафақат ўтилган мавзуга таянган ҳолда, балки янги мавзу кейинги мавзуларга ҳам боғланган ҳолда ўрганилишини таъминлаш лозим.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi” to‘g‘risidagi Farmoni.
2. Usmonov. B. Dual ta’lim talabani porloq kelajak uchun bilim va ko‘nikmalar bilan maqsadli harakat qilishga undaydi. Xalq so‘zi gazetasi 2024 yil 22 noyabr №241 (8864) soni.
3. Raxmonova V.Q. The role of cluster technologies in providing membership in the system of professional and higher education. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Vol.9 No.2, 2021 ISSN 2056-5852. Progressive Academic Publishing, UK Page 9-14.